

# “Ўзкимёсаноат” АЖда кибер-гигиена асослари бўйича семинар-тренинг ўтказилди

// 07.06.2023

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/cyber-hygiene>



Ахборот технологияларининг ривожланиши, интернетнинг кенг миқёсда кириб келиши, бизнес ва технологик жараёнларни янада автоматлаштириш билан биргаликда ахборот хавфсизлиги ва кибер-гигиенага амал қилиш талаблари тобора ошиб бормоқда.

Жамият ва тизим корхоналари ходимлари кибер-саводхонлигини ошириш мақсадида “Ўзкимёсаноат” АЖда кибер-гигиена бўйича семинар-тренинг ташкил қилинди.

Семинар давомида кибер-гигиена ва ахборот хавфсизлиги, кўп факторли аутентификация, компьютер функцияларини чеклаш, фишинг, кибер-фирибгарларнинг маълумотлар манбаи, мессенджер ва электрон почталарда хабар алмашиш хавфлари, иш фаолияти ва шахсий ҳаёт муҳитини чегаралаш, хабар алмашиш каналлари, мессенджер ва ижтимоий тармоқларда ахборот хавфсизлиги; электрон имзо калитини йўқотиш, сақлаш воситалари билан хавфсиз ишлаш, хавфли дастурий таъминотларнинг компьютерларга тушиш йўллари, ишни бошлашдан олдин компьютерни текшириш, компьютер ишламай қолганда блокировка қилиш/тизимдан чиқиш, кундалик ҳаётда киберхавфсизлик, телефон аппарати йўқолгандаги чоралар, ахборот технологиялари соҳасидаги

жиноятлар ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.





  uzkimyosanoat

  uzkimyosanoat.uz

 (+99878) 140-74-26



